

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 7-aprel, payshanba

№ 14 (9178)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ҚўЛАБ- ҚУВВATЛАШНИНГ ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон Фармонида мувофиқ, ташқи савдони тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини янада кучайтириш орқали юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортини кенгайтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2022 йил 1 апрелдан бошлаб:**
а) **2023 йил 1 апрелга қадар:**
маҳаллий корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га **Европа Иттифоқи давлатларига юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни** экспорт қилишда ташиш харажатларини **70 фоизгача** миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади;

қўшни давлатларга экспорт қилинган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларини **50 фоизгача** миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади;

б) мувофиқликни баҳолаш органларини халқаро **ILAC/IAF ташкилотлари** аъзоси ҳисобланган аккредитация идораси томонидан **аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар** Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб берилади;
в) тадбиркорлик субъектлари томонидан товарлар (махсус турдаги товарлардан ташқари), ишлар ва хизматлар экспортини шартнома тузмасдан ҳисоб-варақ-фактуралар (инвойслар) асосида амалга оширишда талаб этиладиган **олдиндан тўлов миқдори 100 фоиздан 50 фоизга камайтирилади.**

2. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий sanoatни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича **Хукумат комиссияси** (С.Умурзаков) (кейинги ўринларда – **Хукумат комиссияси**):

икки ҳафта муддатда экспорт қилишда ташиш харажатларини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиладиган **юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар рўйхатини тасдиқласин** ва унинг **Экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлашнинг ягона порталида** (www.exportportali.uz) эълон қилиб борилишини таъминласин;

Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларининг мақсадли ва **самарали сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.**

(Давоми 2-саҳифада)

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН RESPUBLIKASI

САМАРҚАНДЛИК МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАР ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТДИ

Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг бир гуруҳ малакали мутахассислари Оролбўйи аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Нукус туманида бўлиб қайтди.



Тадбир давомида оториноларинголог, травматолог, кардиолог, хирург, ортопед, нейрхирург каби шифокорлар томонидан жами 370 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга зарур тиббий маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, кардиокаррохлик, офтальмологик, травматологик, нейрокаррохлик ва жаррохлик бўйича 12 та юқори технологик амалиётлар амалга оширилди.

– 12 ёшли ўғлим Азизбек юраги бетоблиги сабабли бир неча йилдан буён даволаниб келади, – дейди Дилбар Аллаберенова. – Самарқандлик малакали кардиохирург шифокорлар ўғлимни тиббий кўриқдан ўтказиб, оқич юрак операциясини амалга оширди. Ҳозирда ўғлим ўзини яхши ҳис қилмоқда. Ўғлим соғайиб, юртимизга хизмат қиладиган навқирон йигит бўлиб ўлаёди, деган умиддаман.

Максад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ОАВ вакиллари ғаллачилик кластерида

“Ўзагроинспекция”нинг вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамкорлигида Хатирчи туманидаги “Динамик электроник” МЧЖ ғаллачилик кластерида донни қайта ишлаш жараёнлари билан яқиндан танишиш мақсадида ОАВ вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди. Иштирокчилар бу ерда донни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш жараёнлари билан яқиндан танишди.



Таъкидланганидек, инспекциянинг пахта хомашёси, дон, уруғлар ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардан фойдаланишни назорат қилиш бўлими томонидан ўтган йили 319 та назорат тадбири ўтказилиб, шундан 35 тасини текширишлар ташкил этилди. Хусусан, дон қабул қилиш мавсумида дон қабул қилиш лабораториясида сақланадиган дон намуналарини қайта таҳлил қилиш натижасида 5 та ҳолатда таҳлиллар ўртасида белгиланган мезърдан ортиқча фарқлар аниқланиб,

намуналарни белгиланган талаблар асосида олмаган 3 нафар, жами 8 нафар ходимга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди. Бундан ташқари, дон қабул қилиш ва лаборатория таҳлилларида аниқланган қонунбузилишлар бўйича дон корхоналари масъул шахсларига нисбатан тақдимномалар киритилиши таъминланди. Айтиш керакки, ўтган йил давомида вилоятда жами 83 миң 830 тонна дон қайта ишланиб, 63 миң 136 тонна ун маҳсулотлари олиншига ва биржа орқали бозор

расталарига етказилишига эришилди. Бугунги кунда вилоятда 8 та ғаллачилик кластери мавжуд бўлиб, шундан тўрттасида ишлаб чиқариш ун заводлари (тегирмонлар) мавжуд. Хусусан, “Динамик электроник” ғаллачилик кластери 2021 йилдан фаолиятини бошлаган. Бу ерда донни қайта ишлаш учун Туркиянинг “ГЕНЧ” фирмасидан кунлик қуввати 60 тонна бугдойни қайта ишлашга мўлжалланган юқори умумий технология келтирилган.

(Давоми 3-саҳифада)

ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси экспертлар гуруҳи мажлисида “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокама қилинди.

Муҳокамада қўмита экспертлари томонидан минтақавий ва халқаро даражада қонунчилик бирхиллаштириладиган шароитларда ҳам миллий, ҳам халқаро даражада бозор муносабатларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган халқаро арбитраж тижорат низоларини ҳал этишнинг муқобил, суддан ташқари шакли фаоллаштирилган таъкидланди.

Ушбу соҳада низоларни кўришда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг сарф-харажатларини қисқартириш, арбитраж ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижро этиш механизмларини белгилаш ва шу асосда халқаро шартномаларнинг низоли масалаларини ҳал қилишда мамлакатнинг минтақадаги обрўсини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонуни ишлаб чиқилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мажлисида таъкидланганидек, Иқтисодий процессуал кодекси арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишларни иқтисодий судлар судловига киритишни ҳамда арбитраж муҳокамасининг тарафларидан бири чет эллик шахс – Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлиши муносабати билан арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишни вилоят даражасидаги судларнинг судловига киритишни, арбитраж судида кўриладиган даъво бўйича иқтисодий суд томонидан таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартибини, аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича иқтисодий суд томонидан кўрилган таъминлаш чораларини бекор қилиш учун аниқ асослар белгиланган янги нормалар билан тўлдирилмоқда.

Бундан ташқари, “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга арбитраж ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш тўғрисидаги аризалар бўйича тўланадиган давлат божи ундириш асоси ва миқдорини белгилаган ҳолда қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши халқаро арбитраж билан боғлиқ халқаро нормаларнинг миллий қонунчилигимиз билан мослаштирилишига хизмат қилиши қайд этилди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Орамиздаги одамлар

ДОНИ БОРНИНГ ОРОМИ ҲАМ БОР

Каримжон Мамажонов чўл ҳудудидаги Улугнор туманида фермерлик қилади. У ҳеч қачон қийинчиликлар олдида эсанкираб қолмайди. Аксинча, изланишда бўлиб илғорлар сафида бўлади. Ўтган уқалда мавсумида тушлик пайтида бир башоқ донни икки кафтида уқалаб сўнра бирма-бир саноқдон ўтказайтганлигига зувох бўлганмиз. Фермернинг бу ишини кузатар эканмиз, бирин-кетин саволга қўлиб ташладик. Каримжоннинг жавоби ҳам аниқ ва лўнда бўлди, қолди. Минг донга уруғни энг ихчам кўришидаги электрон тарозига кўяр экан, натижадан қувонганини сездик. Унинг айтишича, минг донга уруғ озирлиги кўзланганидан зиёда чиқибди.

– Бундан 30 йил аввалги ғаллачиликнинг аҳолини ҳамisha кўз олдимга келтириб тураман, – деди у бизга ўгирилиб. – Ушанда мен бригада бошлиғи эдим. Куз бошланиб, бугдой экиш вақти соати келган эди. Қўлимизда омборда турган 5-10 тонна бугдойдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Юқоридан маълумот сўраш эса тўхтамайди... Қўйинги, бригадамиздаги тўртта контурга 4 хил навдаги бугдойни нруда сонганмиз. Олди картада ҳосилдорлик 25 центнерга ҳам бормади. Бу

ҳол 4-5 йил давом этди. Ҳамон ёдимда. Битта ҳўжалиқда 7-8 хил навдаги бугдой сифатидан қатъий назар экилганки, ҳосилдорлики айни бугун гапириш ортиқча.

2021 йил ғалла мавсуми бошида биринчилардан бўлиб ғаллазорга комбайн киритган Каримжон Мамажоновни димоғи чоғ ҳолатда учратдик. Қувончининг сири шуки, энди чўлда ҳам ғалла ҳосилдорлиги гектарига 70 центнердан кўпроқ бўлаётди. (Давоми 2-саҳифада)



Ўз хонадонида балиқ етиштиришни йўлга қўйган фуқаролар учун ер ва мол-мулк солиғи ставкаси 50 фоиз миқдориди белгиланди

Давлат томонидан солиқ тўловчиларга берилган энгиллаш қилар, солиқлар миқдорини камайтириш, солиқ тўлаш шартини энгиллаштириш ёки солиқдан тўла озод қилиш солиқ имтиёзининг хусусияти ҳисобланади. Солиқ имтиёзи солиқ ундириладиган даромад турларини қисқартириб, умумий камайтирилган даромаддан солиқ олиш, солиқ олинмайдиган минимал даромадни белгилаш, солиқ ставкаларини камайтириш, солиқни тўлаб бўлиш муддатини қулай қилиш орқали амалга оширилади.



ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ САРИ
ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Солиқ имтиёзи солиқ тўловчиларга нисбатан табақалаштирилади, муайян ижтимоий ёки иқтисодий мақсадни қўлайди. Улар орқали иқтисодий фаолиятнинг маълум бир турлари рағбатлантирилади. Тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини ривожлантириш мақсадида давлатимиз томонидан солиқ имтиёзлари берилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 13 январдаги “Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 1 февралдан жисмоний шахсларга ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ўз хонадониди балиқ етиштиришни йўлга қўйишга рухсат берилди ва ушбу хонадон эгаларига ер ва мол-мулк солиғи ставкаси 50 фоиз миқдориди белгиланди. Бундан ташқари, 2022 йил 21 январдаги “Тўқимачилик ва

тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариши ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга асосан, 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январгача бўялган мато, бўялган газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини реализациясидан тушган умумий тушумиди ушбу маҳсулотларнинг камида 80 фоизини экспорт қилган корхоналарга ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдориди солиқ ставкаси бўйича тўлаш ҳамда солиқ органларини хабардор қилган ҳолда уч йил муддатгача юридик шахслардан олинмайдиган мол-мулк солиғи тўловини кечиктириш ҳуқуқи берилди. Бу эса ўз ўрнида, соҳани ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик субъектининг меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январгача қадар чакана савдо ва умумий омакларини, меҳмонхона (жойлаштириш) хизматлари, автотранспортда йўловчи ва юк ташиш, транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматлари, маиший техникани таъмирлаш, яна ва ветеринарий хизматларини кўрсатувчи ҳамда кўнгилчар масканларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланди. Шунингдек, 2022 йил 1 январдан 2027 йил 1 январгача қадар меҳмонхона (жойлаштириш воситалари) ва майдони 5 минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари бўйича ер солиғи ва мол-мулкига

солинадиган солиқ ставкаларини 90 фоизга камайтириш кўзда тутилган. Амалга ошириладиган ислохотлар кенг қамровли бўлиб, нафақат тадбиркорлар, балки, жисмоний шахсларнинг манфаатлари кўзда тутилган. Жумладан, Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонга асосан 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юборётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилиши белгилаб қўйилди. Қолаверса, 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкаси 15 фоизгача

туширилиши, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани учун махсус солиқ ставкаларини ўрнатиш тажрибаси асосида шариоити “огир” бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш ишлари давом эттирилиши белгиланди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бевосита давлатимиз раҳбари томонидан илгари суриладиган ислохотлар, бериладиган имтиёзлар, уларнинг ҳар бир жабҳани тенг қўллаб-қувватлаган ҳолда қамраб олиниши, том маънода эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон кадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган. Дилдора ТОШПҲАТОВА, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ инспекцияси бош инспектори.

ОАВ вакиллари Ғаллачилик кластерида

– Ишлаб чиқариладиган ун экспортга йўналтирилади, – дейди корхона раҳбари Шаҳзод Мардибоев. – Шунингдек, 5 минг тоннадан 10 минг тонна бугдой сақлашга мўлжалланган 2 та элеватор металл сиғими қурилиш ишларини ҳам бошлаб юборганмиз. Йил охиригача уларни ишга тушириш ва янги иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз. Мақсуд ғаллачилик кластерида замонавий жиҳозларга эга лаборатория мавжуд бўлиб, у ерда қабул қилинадиган бугдойларнинг сифат кўрсаткичлари замонавий лаборатория жиҳозлари ва ўлчов воситаларида аниқланади. Донни қабул қилиш жараёнида лаборатория таҳлилларининг тўғри ва ҳолисона, шаффоф ўтказилиши, чегирмаларнинг асосий қўлланилишининг олдини олиш агроинспекциянинг вилоят ва туман бўлимлари ходимлари томонидан мунтазам назорат қилиб борилади.



Пресс-тур давомида иштирокчилар “Динамик электроник” МЧЖ кластери лабораториясида таҳлил қилиш жараёнида бевосита гувоҳ бўлишти. Жумладан, истеъмолчиларга сифатли ун маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида корхонада ҳар бир жараён лаборатория таҳлиллари орқали кузатиб борилади. Бундан унинг сифат кўрсаткичлари, намлиги, клейкавина миқдори, белгиланган элаклардаги қолдиқ миқдори аниқланиб, назорат қилинади ва бу кўрсаткичлар лаборатория журналларида қайд қилиб борилади. – Таҳлиллар жараёнида фойдаланиладиган лаборатория ўлчов воситалари сифатли ва соз ҳолатда, белгиланган талабга жавоб бериши керак, – дейди “Ўзагроинспекция” вилоят бошқармаси бош инспектори Улуғбек Юсупов. – Жумладан, тарозилар, намлик қуритиш шкафи, клейкавина ўлчов воситаси, лаборатория элаклари, пуркалар ва лаборатория гирометрик психрометрлари ҳамда корхона автомобиль тарозилари Ўзбекистон метрология институтининг вилоят филиали томонидан метрология текширувидан ўтказилиб, қиёслов сертификатлари билан таъминланган бўлиши лозим. Корхона лабораториясидаги жиҳозлар ушбу талабларга жавоб беради. Пресс-тур якунида матбуот анжумани ҳам ташкил этилди. Унда жорий йилнинг ўтган даврига қадар амалга оширилган ишлар хусусида инспекциянинг вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фарҳод Убайдуллаев йўналдирилган маълумот берди. Таъкидланганидек, инспекция вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг январь-март ойлари давомида 162 та текширишлар ўтказилиб, 1216 та таъсир чоралар қўлланилди. Қонунбузилишлари ва унинг келиб чиқиш сабаблари бунга имкон берган шарт-шароитларини бартараф этиш, тегишли чора-тадбирлар белгилаш борасида мутасадди ташкилот ва корхона раҳбарлари номига 40 та тақдимнома киритилиб, бажарилиши мажбурий бўлган 1004 та ёзма кўрсатмалар берилди, 445 нафар шахс расман огоҳлантирилди ҳамда 111 нафар мансабдор шахс ва фуқароларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилди. Шундан 61 таси қонуний қарор қабул қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Таҳлил этилса, қонунбузилишлар аксарияти қорвачиликда наслчилик ишнни назорат қилиш, қишлоқ хўжалиги, мелiorация ва йўл-қурилиш техникаси ҳолатлари, агротехник тадбирларнинг ўтказилиши ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланиш соҳаларига тўғри келади. Бу борада қонуний талабларга риоя этилиши юзасидан назорат тадбирлари олиб бориладиган. Шунингдек, тарғибот ва тушунтириш ишлари ҳам ўтказиб келинмоқда. Матбуот анжумани давомида инспекция вилоят бошқармаси катта инспектори Алиқул Бабамуротов ғаллачилик кластерлари ва давлат тасарруфидидаги ун заводларида дон қабул қилиш, лаборатория таҳлиллари шаффофлигини таъминлаш борасида назорат тадбирлари бўйича батафсил маълумот бериб ўтди. Зулфия БОБОЕВА, “Ўзагроинспекция”нинг Навоий вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

“БИР-БИРЛАРИНГИЗГА БИРОДАР БЎЛМАГУНИНГИЗЧА, МЎМИН БЎЛМАЙСИЗЛАР...”

Муқаддас Ислам динимиз инсонларни доимо тинч-тотув, ҳамжихат, кечиримли, бир-биримизга дўст ва биродар бўлиб ҳаёт кечирिशга буюради.

Тарихдан маълумки, динимизнинг мана шу қўрсатмасига амал қилган мусулмонлар доимо бахт ва саодатда яшаганлар, тинч-тотув ҳаёт кечирганлар. Ислам дини инсонларни доимо бир-бирлари билан яхши муомалада бўлишга буюради экан, уларнинг муомалалари беғараз бўлиши учун ўзаро муносабатлари ҳам самимий бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Зеро, инсон табиятан киришимли қилиб яратилган, яъни у жамиятдан ажралиб, алоҳида яшай олмайди. Шундай экан, мўмин киши диний ва дунёвий ишларини тўғри йўлга қўйишда солиқ дўсту ёрларни танлаши лозим. Ҳар бир мўмин инсон айниқса, ота-она ва устозлар бу борада орқамиздан бизларга эргшиб, тақлид қилиб ўсиб келаётган ёш авлодларимизга ўрнатма намуна бўлишига керак. Пайғамбаримиз саллолоху алайҳи васаллам муборак ҳадиси шарифларида бу борада даврий қиёматгача келадиган барча умматларига ҳам дунё, ҳам охирагимиз учун энг керакли муборак сўзни марҳамат қилдилар: “Бир-бирларингизга биродар бўлмагунигизча, мўмин бўлмайсизлар, мўмин бўлмагунигизча, жаннатга қира олмайсизлар” (Имом Муслим ривоятлари). Агар бу дўстлик Аллоҳ учун бўлса, у яна ҳам мустаҳкам бўлади, чунки Аллоҳ розилиги учун бўлган дўстликка ҳеч қандай дунёвий ғараз аралашмайди. Бошқача қилиб айтганда, дунёвий ишлар юзасидан сен-менга бориб қол-

ган тақдирда ҳам, уларнинг дўстлигига путур етмайди. Шунинг учун ҳам динимизда Аллоҳ учун дўстлашиш тарғиб қилиниб, бунга катта ажру мукофотлар ваъда қилинган. Абу Дардо разияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулulloх саллоллоху алайҳи васаллам айтдилар: “Аршининг атрофиди нурдан бўлган минбарлар бор. Ушбу минбарларда либослари нур, юзлари нур бўлган бир қавм бўладилар. Улар пайғамбар ҳам, шахидлар ҳам эмаслар. Уларга пайғамбар ва шухадолар ҳавас қилдилар”. Шунда сўзоблар: “Бизга уларни тавсифлаб беринг, Ё Расулulloх”, дедилар. Шунда Расулulloх миз алайҳи салом: “Улар Аллоҳ йўлида бир-бирларига муҳаббат қилувчилар, Аллоҳ йўлида бирга турувчилар, Аллоҳ йўлида бир-бирларини зиёрат қилувчилар”, дея марҳамат қилдилар (Имом Муслим ривоятлари). Бизлар бунунгича қанда бир-биримизга ёмонлик қилиб қўйсак, кечирасиз, деб айтишга ҳам ботина олмаймиз. Аслида, уэр сўраш юқори савиядаги маданият ҳамда олий фазилатли хулқлардандир. Қолаверса, Ислам динида, ирқий камситиш ёки миллат ажратиш, инсон зотини таҳқирлаш қораланган. Инсон қайси миллат ва ирқдан бўлмасин, унга нисбатан камситиш маънавий қашоқликдир. Муҳаммадшокир БОБОХҲАЕВ, Норин туманидаги “Умархўжа эшон” жомеъ масжиди имом хатиби.

Эълонлар

“AF BO‘STONLIQ NON” МЧЖ (СТИР 306501391) устав жамғармаси 2 503 741 624 сўмдан 132 413 603 сўм 60 тиынга камайтирилганлигини маълум қилади. Талаблар Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Ғазалкент шаҳри Т. Малик кўчаси 6-уй манзили бўйича юборилиши мумкин. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри 8-кичик ноҳия 67-уй 69-хонадон эгаси Тоғаев Эркин Холбоевич номига берилган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ЁМҒИРЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ НАФИ ДАРРОВ КЎРИНДИ

Бешариқ туманида бу йил сув тежовчи технологияларнинг пахтачилик ва ғаллачиликда кенг қўлланилаётгани фермерларнинг бу соҳада тажриба тўплайётганидан дарак бермоқда.

Яқингинада бошоқли дон экинларининг 23 гектарига ёмғирлатиб суғоришни жорий қилган “Насиба бону боғи роҳати” фермер хўжалигида бу янгиликнинг самараси дарров кўринганидан хўжалик меҳнат аҳли хайрон қолди. Яхши ривожланмаётган будойзорга дарҳол минерал ўғитлар аралашмаси сувга аралаштирилиб, ёмғирлатиб суғориш усулида пуркалгач, ғалла майсалари кўм-кўк тусга кирди. Фермер Насиба Абдураҳмоновнинг айтишига қараганда ёмғирлатиб суғоришнинг шарофати билан бу йил ҳосилдорлик гектар бошига ўтган йилга қараганда 35 центнерга ошар экан. – Туманда сув тежовчи технологияларни ўрнатиш бўйича фермерлар ўз тақлифлари билан чиқмоқда, – дейди Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли

Бешариқ тумани ирригация бўлими бошлиғи Зайниддин Маҳаммаддинов. – 800 гектар ерга томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатиш бўйича режа тузган эдик, шундан 700 гектари бажарилиши арафасида. 100 гектар ғаллазорга ёмғирлатиб суғориш технологиясини ўрнатиш режаси 130 гектарга ошириб бажарилапти. Хамиджон БУРҲОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.


Бешариқ тумани ирригация бўлими бошлиғи Зайниддин Маҳаммаддинов. – 800 гектар ерга томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатиш бўйича режа тузган эдик, шундан 700 гектари бажарилиши арафасида. 100 гектар ғаллазорга ёмғирлатиб суғориш технологиясини ўрнатиш режаси 130 гектарга ошириб бажарилапти. Хамиджон БУРҲОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

САМАРҚАНДА ЧИГИТ ЭКИШ АВЖИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Аграрноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Самарқанд вилояти бошқармаси ва туманлар бўлимлари томонидан юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу мақсадда вилоятда жорий йил ҳосили учун 75 минг 356 гектар ерга чигитнинг иқлим шароитига мос, эртагишар навлар экилиши юзасидан баҳорги агротехник тадбирлар амалга ошириляпти. Мазкур агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва қисқа муддатларда яқунлаш юзасидан инспекциянинг соҳавий инспекторлари томонидан назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Жорий қишлоқ хўжалик мавсумида самарқандлик деҳқонлар чигитнинг қатор маҳаллий иқлим шароитига мос, эртагишар навлар



иштирок этиши режалаштирилган. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан сифатли уруғлик чигит тайёрлашига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда 5 минг 671 тонна уруғлик чигит тайёрланди. Мавсумни қисқа муддатда ва сифатли ўтказиш мақсадида

уруғлик чигит қимёвий воситалар билан дориланган ҳолда тайёрланди. Шунингдек, пахта тўқимачилик кластерлари ва кооперациялар томонидан 65 та чигит тарқатиш шохобчалари мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Жорий йил ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш борасида 915 та чигит ивйтиш хандақлари, 966 та таглиқлар, 304 та махсус идишлар, 124 та тарози ва бошқа зарурий жиҳозлар билан таъминланган. Инспекциянинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва туманлар бўлимлари томонидан баҳорги агротехник тадбирларга тайёргарлик ишлари, мавсум давомида иштирок этадиган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техника воситаларининг техник ҳолати кўздан кечирилиб, тегишли сертификатлар берилган. Ҳозирда 22 минг гектардан ортиқ ер майдонига чигит экилган бўлиб, бир кунда ўртача 8 минг гектардан зиёд ер майдонига баррака уруғи қадалмоқда. Даврон АЧИЛОВ, “Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи.

